

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗУЛЛАЕВА МЕХРИНИСО БАТИРОВНА

**НИЗО ЖАРАЁНИДА МЕНЕЖЕРНИНГ КОНСТРУКТИВ ЎЗАРО
АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Нарзуллаева Мехринисо Батировна

Низо жараёнида менежернинг конструктив ўзаро алоқадорлигининг
ижтимоий-психологик хусусиятлари.....3

Нарзуллаева Мехринисо Батировна

Социально-психологические особенности конструктивного взаимодействия
менеджера в ситуации конфликта..... 24

Narzullayeva Mehriniso Batirovna

Social-psychological particularities of the constructive interaction of the manager
in situations of conflict.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗУЛЛАЕВА МЕХРИНИСО БАТИРОВНА

**НИЗО ЖАРАЁНИДА МЕНЕЖЕРНИНГ КОНСТРУКТИВ ЎЗАР
АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология.Этнопсихология

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Psi73 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг ik-falsafa@nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори, профессор

Кудратиллаева Рухсора Бахтияровна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ғ.Б.Шоумаров,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

А.И.Расулов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С.Сафаев,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жахонда илмий салоҳиятни янада юксалтиришда фан-таълим ва иқтисодий интеграциялаштириш бўйича туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, инновацион ривожланиш йўлига ўтилиши юқори малакали ва пухта билимли раҳбарларга бўлган талабларнинг ошишига олиб келмоқда. Бу уларда муҳим ва мураккаб касбий сифат ҳамда топшириқларни самарали ҳал этиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида компетент менежерлар тайёрлаш жараёнини мунтазам такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Дунё миқёсидаги тадқиқотларда бошқарув фаолияти, турли даражадаги менежерларнинг муҳим касбий сифатлари тадқиқи ва менежмент самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, бу борада менежмент соҳасида назарий-амалий жиҳатларни огоҳлантириш ва низоларни конструктив бартараф этиш борасида, низоли вазиятда ўзаро таъсир типологиясини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, республиканинг реал секторида инновацион фаолиятни юксалтириш, ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Шу билан бирга “Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат”.² Бундан келиб чиққан ҳолда менежер мутахассисларини камолга етказишга, мазкур мураккаб, алоқали жараёнга менежерларни тайёрлаш дастурининг самарали ишланмаси учун низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсирни таъминловчи, ижтимоий-психологик ташкил этувчиларни аниқлашга йўналтирилган муҳим тадқиқот ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент, 2017. 27-сон. 15-бет.

²Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 163-бет.

ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, мавзуга оид тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи – ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши ушбу тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Кейинги ўн йилликларда менежерларнинг касбий фаолияти, низолари, уларни тайёрлаш борасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Х.А.Ахмедов томонидан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ишларида бошқарувчи кадрларни тайёрлаш масалалари бўйича илмий тадқиқот олиб борилган. Т.Ю.Бозоров томонидан турли ташкилотлардаги бошқарувчиларнинг амалий иши тадқиқ қилиниб, давлат ва нодавлат тузилмаларининг бошқарувчи шахсларини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди, самарали бошқарув жарарёнини ташкиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Н.А.Рўзиқулов томонидан таълим соҳасидаги бошқарув жараёни тадқиқи ўтказилди, бошқарувчи фаолиятининг таъминланишини такомиллаштириш бўйича психологик тавсиялар ишлаб чиқилди. Д.Г.Мухамедова томонидан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари инновацион фаолият шароитида менежерларнинг бошқарувчилик фаолияти тадқиқ қилинган, мутахассисларни тайёрлашнинг мувофиқ йўллари таклиф қилинган. В.И.Шуванова бозор шароитида тижорат фирмалари менежерининг бошқарувчилик фаолияти ролли моделини тадқиқ қилган, мувофиқ ролларни ўз ичига олган бошқарув комплексларини ажратган. Б.И.Хасанов, Н.В.Гагина, А.И.Шипиловалар томонидан менежмент соҳасида назарий-амалий жиҳатларини оғоҳлантириш ва низоларни конструктив бартараф этиш борасида тадқиқотлар олиб борилган. А.Г.Галигузова, А.И.Денисов, В.Зигертлар низоли вазиятда ўзаро таъсир типологиясини ўрганган, менежментда низоларни ҳал этиш бўйича мувофиқ тавсиялар ишлаб чиқилган. М.Мескон, М.Армстронг, М.И.Пиренлар томонидан бошқарув фаолияти, турли даражадаги менежерларнинг муҳим касбий

сифатлари тадқиқ қилинган, менежмент самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан биргаликда, низоли вазиятларда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга ижтимоий-психологик тайёрлаш кам ўрганилган масалалардан бўлиб қолмоқда. Мазкур алоқали жараёни таъминловчи ижтимоий-психологик таркиблар аниқланмаган, менежерлар касбий фаолиятидаги низоли вазиятлар конструктив ўзаро таъсирининг ижтимоий-психологик табиатини ҳисобга олган ҳолда самарали технологиялар ишлаб чиқилмаган.

Шунингдек, низоли вазиятда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга тайёрлашни такомиллаштириш зарурияти мазкур алоқали жараён ижтимоий-психологик таркибининг самарали ва асосланган технологияларининг мавжуд эмаслиги билан асосланади ва ушбу масаланинг етарлича назарий ҳамда амалий ишланмаганлиги мазкур диссертацион тадқиқот мавзусини танланишига асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий унверситетида ОТ-А1-103 рақамли “Олий таълим тизими кадрларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш” (хориж тажрибаси асосида) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади низоли вазиятларда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга тайёрлашнинг самарали ижтимоий-психологик дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

конструктив ўзаро таъсир тадқиқи назарий асосларининг илмий адабиётлардаги таҳлили, низолининг замонавий талқини ва ўрганишдаги ёндашувларни ёритиш;

низоли вазиятларда менежернинг олдиндан белгилаб қўйган конструктив ўзаро таъсири таркибий компонентларининг эмпирик тадқиқи;

низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсирнинг менежер касбий фаолияти самарадорлигига таъсирини аниқлаш;

низоли вазиятларда менежерлар конструктив ўзаро таъсирининг гендер жиҳатларини аниқлаш;

низоли вазиятларда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини аниқлаш;

низоли вазиятда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга тайёрлаш жараёнининг моделини асослаш;

низоли вазиятда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга тайёрлашнинг дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалий самарадорлигини текшириш.

Тадқиқотнинг объекти турли категориядаги 26 ёшдан 57 ёшгача, 3 йилдан 28 йилгача бошқарув иши тажрибасига эга, аёл ва эркак жинсига мансуб, Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги

турли тижорат корхоналарида ўз касбий фаолиятини амалга оширувчи 509 менежер ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети низоли вазиятда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга ижтимоий-психологик тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқот давомида кузатиш, “Эксперт баҳоси сўровномаси” сўров методи; муаллифнинг “Ўз-ўзини баҳолаш сўровномаси”; “Эксперт баҳоси анкетаси”; “Эмоционал интеллект сўровномаси”; “Эмин” (Д.В.Люсин); “Ҳаёт қадриятларининг морфологик тести” (В.Ф.Сопов, Л.В.Карпушин); “Шахс мотивацион таркибининг диагностика сўровномаси” (В.Э.Мильман); “Шахс иродавий сифатлари сўровномаси” (М.В.Чумаков); “ЕРІ тест-сўровномаси” (Г.Айзенк); “Бошқарувнинг муайян услубига мойиллигини аниқлаш бўйича сўровнома” (Е.П.Ильин); “Менежерлар касбий фаолиятининг самарадорлиги эксперт баҳоси сўровномаси”, математик статистика методлари (факторли таҳлил, Spearman R.Мезони бўйича корреляцион таҳлил).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

низонинг замонавий тушунчаси ва уни ўрганиш бўйича ёндашувлар очиқ берилган;

бошқарув фаолиятида низоли вазиятларнинг конструктив ўзаро таъсири моҳияти аниқланган;

низоли вазиятларда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсирини олдиндан белгилаб берувчи статистик аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-психологик омиллар эмпирик йўллар билан аниқланган;

низоли вазиятларда менежер конструктив ўзаро таъсирининг гендер жиҳатлари аниқланган;

низоли вазиятларда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга тайёрлашнинг психологик тренинг дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

низоли вазиятларда менежернинг конструктив ўзаро таъсирини таъминловчи тўртта аҳамиятли омили аниқланган;

тўртта аҳамиятли ижтимоий-психологик омиллар (қадриятли-мотивацион, эмоционал интеллект, бошқарув услуби, эмоционал-иродавий) асосида ишончлилик ва валидликни аниқловчи, стандартлаштиришдан муваффақиятли ўтган, низоли вазиятларда менежер ўзининг конструктив ўзаро таъсир даражасини баҳолаш учун психодиагностик инструментарий ишлаб чиқилган;

В.И.Шувановнинг ролли модели асосида менежерлар касбий фаолияти самарадорлигини эксперт баҳолаш сўровномаси ишлабчиқилган;

низоли вазиятларда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари аниқланган;

тайёрланган модель асосида низоли вазиятларда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга босқичма-босқич тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацион тадқиқотнинг адекват мақсадлари, объекти, предмети ва вазифалари эмпирик

ҳамда назарий методлар, методикаларни қўллаш, танловнинг репрезентативлиги, қўлга киритилган натижаларнинг миқдор ва сифат таҳлили, шунингдек, математик статистика методлари (Р.Сперманнинг мезонлари бўйича факторли таҳлил, корреляцион таҳлил)ни қўллаш асосида дастлабки назарий ҳолатлар асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ишининг илмий-амалий аҳамияти низоли вазиятларда менежер конструктив ўзаро таъсирини олдиндан аниқлаб берувчи структур компонентларни аниқлаш, низоли вазиятда менежер касбий фаолияти самарадорлигига аҳамиятли таъсир кўрсатувчи конструктив ўзаро таъсирларни аниқлаш, низоли вазиятда менежер конструктив ўзаро таъсирининг гендер жиҳатларини аниқлаш билан белгиланади. Мазкур натижалар бошқарув фаолиятининг кейинги тадқиқотларида, янада мукамал психодиагностик услублар ишлаб чиқишда, менежерлар тайёрлашнинг назарий ва амалий машғулотларини ишлаб чиқишда қўлланиши мумкин. Қўлга киритилган натижалар асосида низоли вазиятда менежер ўзининг конструктив ўзаро таъсир даржасини баҳолашчи стандартлаштирилган, ишончли ва валид сўровнома, шунингдек, менежерларни тайёрлаш жараёнида ҳам, сўнгги бошқарув фаолияти тадқиқотларида ҳам қўллаш мумкин бўлган В.И.Шувановнинг ролли модели асосидаги менежерлар касбий фаолияти самарадорлигини эксперт баҳолаш сўровномаси ишлаб чиқилган. Тайёрланган модель асосида низоли вазиятларда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган, буларни амалиётга жорий қилиш турли категориядаги менежерлар бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Низоли вазиятларда конструктив ўзаро таъсирга менежерларни тайёрлашнинг ижтимоий-психологик дастурини самарали ишлаб чиқиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

ишлаб чиқилган низоли вазиятларда менежернинг конструктив ўзаро таъсир даражасини баҳолаш бўйича таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психологик илмий-амалий марказида жорий қилинган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2018 йил 1 майдаги 02-07-310/04-сон маълумотномаси). Натижада бошқарув фаолиятининг кейинги тадқиқотларида янада мукамал психодиагностик услублар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

ишлаб чиқилган низоли вазиятларда менежерларни конструктив ўзаро таъсирга босқичма-босқич тайёрлашнинг психик тренинг дастури Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психологик илмий-амалий марказида жорий қилинган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2018 йил 1 майдаги 02-07-310/04-сон маълумотномаси). Натижада турли категориядаги менежерлар бошқарув фаолияти самарадорлигини янада ошириш имконини берган;

низоли вазиятларда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсирини олдиндан белгилаб берувчи статистик аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-

психологик омиллар бўйича таклиф ва тавсиялар олий таълим тизимида жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 майдаги 89-03-1910-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар натижасида талабалар менежерлар бошқарув фаолияти бўйича ўз билимларини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 164 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти шакллантирилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Низо жараёнида менежернинг конструктив ўзаро алоқадорлиги тадқиқотининг назарий асослари”** деб номланган биринчи боби ўтказилган назарий тадқиқот натижасида низо ижтимоий муносабатларнинг ажралмас хусусияти эканлиги, интилишлари ва баҳосини қониқтириш учун зарур бўлган мансаб, мақом ёки воситаларнинг этишмаслигидан юзага келиши, рақибларининг мақсадларини нейтраллаштириш, чегаралаб қўйиш ёки йўқ қилишни назарда тутиши аниқланди. Низони замонавий тушуниш ўз ичига турли ижобий функцияларни ўз ичига олади.

Шу билан биргаликда, кўриб ўтилган барча умумий тавсифлардан маълум бўлишича, ўз моҳиятига кўра низо – бу томонлар қизиқишларининг тўқнашувини акс эттирувчи, эмоционал босимда кечувчи ўзаро салбий муносабатлардир. Бироқ бундай эмоционал омилга қарамасдан, мунозара ва тортишувлар низога айланмаслиги мумкин, агар томонлар юзага келган барча қарама-қаршилиқлар даражасини англаб, уларга қаршилиқ кўрсата бошласа, низоли вазият юзага келади.

Ўзаро таъсир мураккаб ва узоқ жараён бўлиб, инсонларнинг биргаликдаги фаолияти билан боғлиқ ва у муайян натижага эришиш учун субъектларнинг ўз ҳаракатлари мослигини назарда тутати. Ҳамкорликдаги фаолият асосланганидан ўзаро таъсир жараёнида ўзаро таъсир

субъектларининг бир-бирини тушуниши юзага келади, уларнинг шахслараро муносабатлари шаклланади, ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқилади, фаолиятнинг самарадор ва муҳим натижаларига эришиш билан ифодаланадиган ҳамфикрлилик ва маънавий бирликка эришилади.

Конструктив ўзаро таъсир атамаси “энг мувофик”, “сермахсул”, “махсулдор”, “самарали”, “амалий” каби маъноларни ифодаловчи синонимик қаторга эга. Шунингдек, конструктив ўзаро таъсирнинг умумлашган хусусиятларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин: атрофдаги воқеликнинг субъект томонидан объектив қабул қилиниши; ўзаро таъсирнинг ижобий йўналганлиги шеригига нисбатан мақсади ва муносабатларида намоён бўлади; таъсир учун тенг ҳуқуқлилик, ҳурмат, ишонч, очиқлилик; ҳамкорлик ва ҳамкорликдаги ижодий ишга интилиш; ҳаракатларнинг мувофиқлиги, ҳамкорликнинг самарадорлиги ва натижавийлиги; ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини олдиндан кўра билиши ва уларга шахсий масъулият; эмоционал қулайлик, психик кечинмалар намоён бўлишининг адекватлиги; муносабатларнинг инсонпарварлик ва толерантлик принциплари аосига қурилиши; маданий, маънавий кадриятларнинг қабул қилинишига асосланган; шахсий юксалиш ва ўз-ўзини англашга интилиш; ҳамкори ўз-ўзини англаши ва ўз имкониятларини намоён этиши учун шароит яратиш.

Шу билан биргаликда, конструктив ўзаро таъсирни самарали ҳамкорликдаги фаолият ҳамда шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва ўз-ўзини англаши асосини яратувчи алоқали жараён сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида, низодаги ўзаро таъсир иштирокчиларнинг шеригига нисбатан қўллайдиган турли усул ва техникаларининг ўзаро йўналтирилган интеракциялари серияси ҳисобланади. Уларнинг бир қисми кооператив ёки рақобатли ўзаро таъсирга хос, қолганлари эса унисада ҳам, бошқасида қўлланиши мумкин. Рақобатли ўзаро таъсирда низо иштирокчилари ўз эҳтиёжларига эришиш учун бошқа томоннинг қизиқишларига қарамасдан, объекти оппонент, унинг мотивлари, кадриятлари, тасаввурлари, эмоционал ҳолати ҳисобланган бир томонлама таъсирни амалга оширишга ҳаракат қилади. Иккала томон ҳам ўзаро таъсир учун очиқ бўладиган (аксинча) кооператив моделда оппонентлар биргаликда масаланинг ечимини топишга ҳаракат қиладиган жараёндаги ўзаро таъсир тушунилади.

Низоли вазиятдаги конструктив ўзаро таъсир кооператив мотивацион йўналганлиги билан характерланади, низо субъектлари муаммони самарали ечиши ва низо субъектларини ривожлантириши ҳамда ўз-ўзини англаши учун шароит яратади. Низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсир қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради: бошқарувчилик, самаралилик, инсонпарварлик, ривожлантирувчи.

Бошқарувчилик функциясида конструктив ўзаро таъсир жараёнларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, низонининг кўпайишини тўхтатади, низони ҳал қилиш усулини белгилайди.


Самаралилик функцияси низо сабабларини аниқлаштириш ва келишувга йўналтирилган эффе́ктив ҳамкорликни назарда тутаяди.

Инсонпарварлик функцияси муносабатларни сақлаб қолган ҳолда кейинги ўзаро таъсир асосларини яратишни таъминлайди.

Ривожлантирувчи функция ҳаёт мезонлари ва нуқтаи-назарларини англаш, имкон туғилиши билан ўзи ва шериги тўғрисидаги тасаввурларни ўзгартириш, шахслараро муносабатлар эволюцияси, индивидларнинг шахсий ўсиши учун шароит яратишда намоён бўлади. Низо вазиятидаги конструктив ўзаро таъсир моҳияти касбий, индивидуал ва шахслараро соҳаларнинг эҳтимоли бўлган ижобий ўзгариш жиҳатларида бўлиб, менежер шахсининг ривожланиш манбаи, ўз-ўзини камолотга етказиш стимули ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Низо жараёнида менежернинг конструктив ўзаро алоқадорлигини олдиндан белгиловчи таркибий компонентлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот давомида низоли вазиятда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсирини таъминловчи хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган эксперт баҳоси ўтказилди. Эксперт сифатида муваффақиятли бошқарув фаолиятида 10 йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлган, турли даражадаги 162 менежер жалб қилинди. Уларга низоли вазиятда менежерга конструктив ўзаро таъсирни олдиндан аниқлаш ва таъминлашга кўмак берувчи хусусиятларни имкон қадар кўпроқ айтиш таклиф этилди. Жами 734 та жавоб олинди, ўртача ҳар бир эксперт 5, 6 та менежер шахсига тегишли бўлган тушунчаларни келтириб ўтган. Сўнг мазмуни максимал даражада яқин бўлганларини бирлаштириш ҳисобига биз томонимиздан тушунчалар миқдори қисқартирилди. Шу тариқа, ўтказилган эксперт сўровнома натижасида кўплаб жавобларда турли даражада қайтарилган 25 та умумлаштирилган хусусият рўйхатини қўлга киритдик.

Низоли вазиятда менежернинг конструктив ўзаро таъсирини олдиндан белгилаб берувчи аниқ, статистик аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни ажратиш заруриятига таяниб қўлга киритилган умумлашма жиҳатлар экспертлар жавоби частотасини ҳисобга олган ҳолда, бир умумий жадвалга киритилди ва 14 та умумлашган хусусиятни бирлаштирган тўртта аҳмиятли омилни аниқлаш имконини берган омилли таҳлил ўтказилди (1-расм).



1-расм. Низоли вазиятда менежер конструктив ўзаро таъсирини эксперт баҳолашнинг омилли таҳлили натижалари (n=162)

Демак, биринчи омил 4,6 факторли аҳамият қийматига эга бўлди ва умумлашган хусусиятларни ўз ичига олди: жамоага йўналганлик – 0,8; мулоқотда масъулиятлилиқ – 0,83; мулоқотнинг ўзгарувчанлиги – 0,83; ташқи кўриниш – 0,71. Аҳамиятлилик бўйича иккинчи омил (фактор қиймати – 3,7) қуйидаги умумлашма хусусиятларни бирлаштирди: эмоцияларни тушуниш – 0,82; эмоцияларни бошқариш – 0,81; психологик зўриқишни оптималлаштириш – 0,74. Учинчи омил (фактор қиймати – 3,5)га қуйидаги умумлашма хусусиятлар кирди: тобеларга ғамхўрлик – 0,8; директивлик – 0,79; ҳамкорлик – 0,78; обрўлилиқ – 0,77. Тўртинчиси, якуний омил (фактор қиймати – 3,1) қуйидаги учта умумлашма хусусиятни бирлаштирди: эмоционал барқарорлик – 0,79; ўзига талабчанлик – 0,77; ўз ҳаракатларига ишонч – 0,76.

Умумлашма хусусиятларнинг маъновий мазмунидан олинган коэффицентлар аҳамиятидан келиб чиқиб, биз томонимиздан аниқланган омиллар шартли равишда қуйидагича номланди: “қадриятли-мотивацион”; “эмоционал интеллект”; “бошқарув услуги”; “эмоционал-иродавий”.

Ўн тўртта умумлашган хусусиятларни бирлаштирувчи аниқланган омиллар низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсир даражасини менежернинг ўзи баҳолаши учун мувофиқ инструментарий ишлаб чиқиш имконини берди. Шу мақсадда, биз томонимиздан статистик аҳамиятга эга бўлган умумлашма хусусиятлар асосида тайёрланган 28 саволдан иборат сўровнома ишлаб чиқилди. Ҳар бир 14-статистик аҳамиятли хусусият икки такрорланувчи савол билан очиб берилди. Бунда ҳар қандай психодиагностик инструментарийга мувофиқ талаблар қўйилади. Методика стандартлашган бўлиши керак, ишончлилиқ ва валидлик каби кўрсаткичлар эса психодиагностик минимумга мувофиқ бўлиши лозим.

Стандартлаш доирасида сўров ўтказиш мақсади, берилган саволларга мувофиқ жавобларни танлаш ва сўровни ўтказиш техникаси ёритилган стандарт қўлланма ишлаб чиқилди. Шунингдек, савол рақамлари, жавоб вариантлари акс этган жавобларнинг ихчам бланкаси яратилди. Сўровномани стандартлаштиришнинг кейинги босқичи қўлга киритилган натижаларни тадқиқотимиз танловида математик натижалар, асимметрия ва эксцесс кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда стандарт оғишларни аниқлаш, сўров ўтказиш йўли билан амалга оширилган Р.Кеттел томонидан таклиф этилган “Стандарт ўнликлар” стен шкалалари асосида меъёрга солиш бўлди.

Сўровномада қатнашувчилар 26 дан 57 ёшгача, ўрта ёш 38.5, турли ташкилот ва муассасаларда касбий фаолиятини олиб бораётган, 3 йилдан 28 йилгача бошқарувчилиқ стажига эга бўлган, ўртача иш стажи 6, 8 йилни ташкил этувчи 347 менежердан ташкил топди. Ишончлилиқни аниқлашда машҳур ретест тести, яъни сўровномада қатнашувчининг барқарор ишончлилиқ коэффицентини аниқлаш имконини берувчи қўлга киритилган натижаларнинг корреляцион таҳлили асосида 20-30 суткадан сўнг қайтадан текшириб кўриш усулидан фойдаланилди (Spearman R $r=0,79$ при $p<0,05$). Валидлик нисбатан ташқи мезон асосида, яъни валидлик коэффицентини

аниқлаш (Spearman R $r=0,77$ при $p<0,05$) имконини берган, менежерларнинг конструктив ўзаро таъсирини сўровнома ва эксперт баҳоси бўйича кузатиш натижаларининг корреляцион таҳлилини ўтказиш йўли билан аниқланди. Бу эса инструментарийни низоли вазиятда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсири даражасини ўлчашда фойдали мезон сифатида баҳолайди.

Низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсир даражасини ҳисобга олган ҳолда Д.В.Люсинанинг “Эмоционал интеллект сўровнома”си ёрдамида ўтказилган танлов кузатуви ($n=347$) низоли вазиятда турли даражадаги конструктив таъсир даражаларига эга менежерлар гуруҳининг эмоционал интеллект даражаси частота фарқларини аниқлаш имконини берди. Бир томондан, мазкур фарқлар юқори даражадаги эмоционал интеллект низоли вазиятда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсир даражаларига ижобий таъсир қилишини тасдиқласа, бошқа томондан, паст даражадаги эмоционал интеллект низоли вазиятларда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсир даражаларига кам даражада таъсир қилишини тасдиқлайди.

Аниқланган эмоционал интеллект даражаси, унинг таркибий қисмларидаги частота фарқлари статистик жиҳатдан ҳам тасдиқланади. Муаллиф сўровномаси орқали аниқланган низоли вазиятда менежерлар конструктив ўзаро таъсири даражалари Д.В.Люсинанинг ЭИС “Эмоционал интеллект сўровномаси” шкаласи орқали аниқланган кўрсаткичлар ($r=0,67$ при $p<0,05$) билан ижобий корреляцион алоқага эга. Ўз навбатида, “Эмоционал интеллект омили” муаллиф сўровномаси шкаласи бўйича кўрсаткичлар Д.В.Люсинанинг “Эмоционал интеллект сўровномаси”нинг МП, МУ, ВУ, ВЭ шкалалари кўрсаткичлари билан ($r=0,68, 0,83, 0,34, 0,71$ при $p<0,05$) кўпгина аҳамиятли корреляцион алоқаларга эга. Мазкур корреляцион алоқалар қуйидагиларни тасдиқлайди: биз томонимиздан шартли равишда эмоционал интеллект омили деб номланган омилнинг аҳамиятига кўра иккинчи номланишининг тўғрилиги; низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсир даражасини менежернинг ўзи баҳолайдиган эмоционал интеллект омили муаллиф сўровномаси шкалалари валидлиги.

В.Ф.Сопов, Л.В.Карпушинларнинг Ҳаётий қадриятларнинг морфологик тести, В.Э.Мильманнинг Шахс мотивацион структурасининг диагностик сўровномаси, М.В.Чумаковнинг Шахснинг иродавий сифатлари сўровномаси, Г.Айзенкнинг «ЕРІ» Тест-сўровномалари ёрдамида ўтказилган танлов кузатуви ($n=347$) низоли вазиятларда турли конструктив ўзаро таъсир даражаларига эга бўлган менежерлар гуруҳининг қадриятли-мотивацион ва эмоционал-иродавий жиҳатларидаги фарқларни аниқлаш имконини берди. Мазкур фарқлар ривожланган маънавий-ахлоқий қадриятлар, фаол фаолиятга йўналганлик, кучли иродавий бошқарув, низоли вазиятда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсир даражаларининг эмоционал барқарорлигига таъсирининг исботи саналади.

Прагматик (эгоистик-обрўли) қадриятларга эгалик, мулоқотга йўналганлик, ижтимоий мақом ва қулайлик, кучсиз иродавий бошқарув ва эмоционал барқарорликка мувофиқ равишда низоли вазиятда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсири паст даражада бўлади.

Қадриятли-мотивацион ва эмоционал-иродавий соҳалардаги аниқланган фарқлар статистик жиҳатдан ҳам тасдиқланади. Муаллиф сўровномаси ёрдамида аниқланган низоли вазиятда менежернинг конструктив ўзаро таъсири даражаси аҳамиятли корреляцион алоқаларга эга:

- ($p < 0,05$ Spearman R бўйича $r = 0,61$) В.Ф. Сопов, Л.В. Карпушинларнинг ҳаётий қадриятларнинг морфологик тестининг гуруҳ қадриятлари шкаласи бўйича олинган кўрсаткичлар (маънавий-ахлоқий / прагматик);

- ($p < 0,05$ Spearman R бўйича $r = 0,71$) В.Э.Мильманнинг шахс мотивацион структураси диагностикаси сўровномасининг мотивацион профиль шкаласи (ишчи / маиший) бўйича олинган кўрсаткичлар;

- ($p < 0,05$ Spearman R бўйича $r = 0,79$) М.В.Чумаковнинг шахснинг иродавий сифатлари “ШИС” сўровномасининг иродавий бошқарув даражаси шкаласи бўйича олинган жамланма кўрсаткичлар;

- ($p < 0,05$ Spearman R бўйича $r = -0,71$) Айзенкнинг «ЕРІ» эмоционал барқарорлик тест-сўровномаси шкаласи бўйича олинган малумотлар.

Бунда муаллифнинг “Қадриятли-мотивацион омил шкаласи” сўровномаси кўрсаткичлар билан шкаласи бўйича кўплаб аҳамиятли корреляцион алоқаларга эга бўлади:

ўзини ривожлантириш, маънавий қониқиш, креативлик, фаол ижтимоий алоқалар, шахсий нуфуз, муваффақият, В.Ф.Сопов, Л.В.Карпушинларнинг ҳаётий қадриятлар морфологик тестидаги шахсий индивидуалликни сақлаш ($p < 0,05$ Spearman R бўйича $r = 0,42; 0,53; 0,59; 0,63; 0,54; 0,47; 0,51; 0,33$);

кулайлик, ижтимоий мақом, умумий фаоллик, ижодий фаоллик, В.Э.Мильманнинг шахс мотивацион структураси диагностикаси сўровномасининг ижтимоий фойдалилиги ($p < 0,05$ Spearman R бўйича $r = -0,32; 0,29; 0,57; 0,63; 0,53$).

Муаллифнинг “эмоционал-иродавий омил” сўровномаси шкаласи масъулият, ташаббускорлик, мустақиллик, вазминлик, қатъият, мақсадга интилувчанлик, М.В.Чумаковнинг шахснинг иродавий сифатлари “ШИС” сўровномасида иродавий бошқарув намоён бўлишининг даражалари ($p < 0,05$ Spearman R бўйича $r = 0,31; 0,39; 0,32; 0,39; 0,34; 0,37; 0,41$) кўрсаткичлари ва Айзенкнинг “эмоционал барқарорлик” тест-сўровномаси шкаласи «ЕРІ» ($p < 0,05$ Spearman R бўйича $r = -0,55$) билан акс тарзда ижобий корреляцияга киришади.

Юқорида кўрсатилган корреляцион алоқалар биз томонимиздан шартли равишда номланган: қадриятли-мотивацион ва эмоционал-иродавий биринчи ва тўртинчи турларнинг тўғрилигини, шунингдек, низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсир даражасини менежерларнинг ўзи баҳолаши бўйича муаллиф сўровномасининг диагностик шкалалари роли валидлигини тасдиқлайди.

Низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсир даражасини ҳисобга олган ҳолда Е.П.Ильин томонидан ишлаб чиқилган “Бошқарувнинг муайян услубига мойиллик” сўровномаси ёрдамида ўтказилган танлов кузатуви

(n=347) низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсирнинг турли даражасидаги менежерлар гуруҳининг бошқарув услублари фарқини аниқлаш имконини берди. Аниқланган фарқлар ёрдамида бошқарувнинг авторитар-демократик услуби низоли вазиятда менежерлар конструктив ўзаро таъсирга ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаш мумкин. Бошқарувнинг либерал-демократик услуби менежерларнинг конструктив даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Аниқланган фарқлар статистик жиҳатдан ҳам тасдиқланади. Муаллифнинг сўровномаси ёрдамида аниқланган низоли вазиятда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсир даражалари Е.П.Ильиннинг “Бошқарувнинг муайян услубга мойиллиги” сўровномаси орқали олинган бошқарувнинг муайян услубга мойиллиги умумий шкаласи кўрсаткичлари билан корреляцион алоқага эга ($p < 0,05$ да $r = -0,59$). Бунда муаллифнинг бошқарув услуби омили шкаласи Е.П.Ильиннинг “Бошқарувнинг муайян услубга мойиллиги” сўровномаси умумий шкаласи кўрсаткичлари билан корреляцияга киришади ($p < 0,05$ да $r = -0,62$).

Мазкур корреляцион алоқалар биз томонимиздан шартли равишда бошқарув услуби деб номланган аҳамиятлилик бўйича учинчи омил тури, шунингдек, низоли вазиятда конструктив ўзаро таъсир даражасини менежернинг ўзи баҳолаши учун муаллифнинг сўровномасининг бошқарув услуби омили шкаласи валидлигини тўғрилигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **“Низо жараёнида конструктив ўзаро алоқадорлик менежер касбий фаолиятининг самарадорлигини ошириш омили сифатида”** деб номланган учинчи бобида бугунги кунда бошқарув психологиянинг асосий муаммоларидан бири турли категориядаги менежерлар самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади. Мазкур фаолият касбий меҳнатнинг бир қадар мураккаб турига киради ва ишнинг шаклланган натижаларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда менежерлар бажараётган алоҳида иш турлари натижаларига миқдорий баҳонинг имкони йўқлиги билан характерланади. Шу билан бирга, В.И.Шуванова томонидан таклиф қилинган ролли модел менежерлар касбий фаолияти самарадорлигини эксперт баҳолаш сўровномасини яратиш имконини берди. Сўровноманинг асосини экспертлар томонидан жавоб берилиши лозим бўлган менежер бошқарув фаолиятини мазмунини акс эттирувчи 28 савол ташкил этган. Низоли вазиятда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсирини таъминловчи менежер хусусиятларини эксперт баҳолашда иштирок этган 162 менежер эксперт сифатида жалб қилинди. Ўтказилган эксперт баҳолари натижаларидан маълум бўлдики, тадқиқот танловининг асосий таркиби (39,8% - 138 киши) касбий фаолиятда ўртача самарадорлик даражасига эга. Менежерларнинг мазкур тури кўпинча хулқнинг вазиятли услубига ҳослиги билан харастрланади, у ташкилот, муассаса асосий мақсад ва вазифаларига эришиши учун бошқарув қарорларини бажаришнинг ташқи ҳамда ички назоратини ташкиллаштиришга йўналган бўлади 37,5% (130 киши) менежер касбий фаолият самарадорлигида ўртадан юқори даражага эга. Мазкур категория респондентларида корхона, муассасанинг вазифаларига мувофиқ равишда маркетинг ва савдо-сотик фаолияти янги ғояларини амалга ошириш

учун ривожланган ташаббускорлик, бозор вазиятини таҳлил қилишга қодирлик, бошқарув буйруғини шакллантириш хусусиятлари кузатилади. 15% (55 киши) менежер касбий фаолият самарадорлигида ўртадан паст даражага эга. Мазкур категория респондентлари бошқарув фаолиятининг асосий вазифаларини амалга оширишда бир мунча қийинчиликларни бошдан кечиришади. Вазиятли хулқ услубини танлашда, ўз ходимлари орасида обрў қозонишда, самарали бошқарув командасини шакллантиришда қийинчиликлар кузатилади. Жуда кам менежерлар юқори (5,8% - 20 киши) ва паст (1,2% - 4 киши) даражадаги касбий фаолият самарадорлигига эга.

Низоли вазиятларда менежерлар конструктив ўзаро таъсири уларнинг касбий фаолиятига самарали таъсирини тадқиқ этишда қиёсий ва корреляцион таҳлил натижаларидан маълум бўлишича, турли даражадаги конструктив ўзаро таъсир даражаларига эга бўлган менежерлар гуруҳида турли тафовутлар мавжуд.

Ўртадан юқори даражадаги конструктив ўзаро таъсир даражасига эга бўлган биринчи гуруҳ менежерлари ($n=80$) кўпроқ микдорни ташкил этади (68,7% - 55 киши), касбий фаолиятда ўртадан юқори даражадаги самарадорликка эга. Иккинчи гуруҳ юқори таркибга эга бўлган менежерлар (74,2 % - 46 киши) ўртадан паст даражадаги конструктив ўзаро таъсир даражасига эга бўлганлар касбий фаолият самарадорлигида ҳам ўртадан паст даражага эга бўладилар. Касбий фаолиятнинг таққослаш гуруҳларидаги самарадорлик даражасидаги аниқланган тафовутлар статистик жиҳатдан тасдиқланади. Муаллиф сўровномаси орқали аниқланган низоли вазиятларда менежерлар конструктив ўзаро таъсири даражалари менежерлар касбий фаолияти самарадорлигини эксперт баҳолашдан олинган маълумотлар билан ижобий корреляцион алоқага эга ($p<0,05$ Spearman R да $r = 0,77$). Ўз навбатида, муаллиф сўровномасининг кадриятли-мотивацион омил, эмоционал интеллект омили, бошқарув услуги омили, эмоционал-иродавий омил шкаллари бўйича кўрсаткичлар касбий фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари даражалари билан аҳамиятли корреляцияга киришади ($r= 0,66; 0,48; 0,52; p<0,05$ Spearman R да 0,51). Юқорида келтирилган қиёсий ва корреляцион таҳлиллар низоли вазиятларда менежерларнинг конструктив ўзаро таъсири уларнинг касбий фаолиятига умумий маънода ижобий таъсири мавжудлигидан далолат беради. Низоли вазиятларда конструктив ўзаро таъсирни амалга оширувчи менежерларнинг гендер хусусиятлари ($n=80$) тадқиқидан маълум бўлишича, аёл ва эркак жинсидаги менежерлар ўртасида кадриятли-мотивацион, бошқарув ҳамда эмоционал-иродавий соҳаларда баъзи тафовутлар мавжуд. Ўтказилган қиёсий таҳлилдан маълум бўлишича, эркак респондентларнинг асосий қисми (57,4% - 27 киши) кадриятли-мотивацион омил бўйича ўрта даражага эга, аёл респондентларнинг асосий қисми эса (51,5% - 17 киши) мазкур шкала бўйича ўртадан юқори даражага эга. Бошқарув услуги омили бўйича шкаласи бўйича ҳам тафовутлар кузатилди. Эркак жинсидаги менежерларнинг асосий қисми (59,6% - 28 киши) мазкур шкала бўйича ўрта даражага эга. Аёл респондентларнинг асосий қисми (60,6% - 20 киши) мазкур шкала бўйича ўртадан юқори

даражага эга. Эмоционал-иродавий омил шкаласи доирасида эркак менежерларнинг асосий қисми (57,4 % - 27 киши) мазкур шкала бўйича ўрта даражага эга, аёл менежерларнинг катта қисми (51,5 % - 17 киши) аниқланган белгининг ўртадан юқори даражасига эга. Мазкур тафовутлар статистик жиҳатдан ҳам тасдиқланади.

